

УДК:636

**ЯХШИЛОВЧИ ҚОРА-ОЛА ГОЛИШТИН ЗОТЛИ БУҚАЛАР ГЕНОТИПИНИНГ
НАСЛДОРЛИК СИФАТЛАРИ**

Ш.С.Мамталиев мустақил тадқиқотчи

М.Х.Досмухамедова қ.-х.ф.д., профессор

Тошкент давлат аграр университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7358203>

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзнаслчилик давлат корхонасига импорт қилинган қора-ола голитин зотли буқаларни наслдорлик кўрсаткичлари бўйича икки гуруҳга ажратиб ўрگانилган биринчиси яхшиловчи лидер буқаларнинг оталари қизларининг сут соғими устиворлиги яхшиловчилариникига нисбатан 288 килограммга, сут ёғи 30,6 кг ва сут оқсили 24,5 килограммга устиворлик қилган, икки гуруҳдаги буқаларнинг ота қизлари сут маҳсулдорлигининг миқдори (сут соғими, ёғ ва оқсил миқдорлари) бўйича ўз тенгдошлари бошқа буқалар қизлари кўрсаткичларидан юқори кўрсаткичларда намоён бўлган.

Калит сўзлари: ўзнаслчилик давлат корхонаси, яхшиловчи лидер, буқа, буқа оталари қизлари тенгдошлари, сут соғими, ёғи, оқсили, устиворлик, гуруҳ, пода, урчитиши, қора-ола голитин.

Кириш. Чорвачилик қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири ҳисобланади. Аҳолини сут ва гўшт маҳсулотлари, енгил саноатни тери хомашёси ва деҳқончиликни органик ўғитлар билан таъминлайди.

Ўзбекистон чорвачилигини ривожлантиришнинг жадаллаштирилган даври бошланди десак, ҳақиқатга тўғри келади. Чунки, ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитасини ташкил этилиши бунга мисол бўлади.

Муҳтарам Юртбошимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг раҳбарлигида аҳолининг фаровон ҳаёти ва халқ хўжалигининг жадал ривожланиб бориши, ўзининг истиқболларини намоён этмоқда. 2019 йил 28 мартда 4254-сонли “Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва Чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори қабул қилиниб, унинг ривожланиш омилларига хос бўлган барча чора-тадбирлар белгилаб берилган. Бунда “Ўзбекчорванасл” агентлигини ташкил этилиши, унга хос бўлган тизимларни шаклланиши республикада наслчилик ишларини такомиллаштиришда ва кенг миқёсли селекция усулларини жорий этишда ўз самарасини беради [1; 2; 3].

Маълумки, қорамолчилик чорвачиликнинг асосий тармоқларидан бири бўлиб, аҳолини сут ва гўшт маҳсулотлари билан озиқ-овқат ҳавфсизлагини таъминлайди.

Шу боис, қорамолчилик наслчилик ишини такомиллашиб боришида зотларнинг насли яхшиланади ва маҳсулдорлиги кўтарилиб боради. Кенг миқёсли селекция усулларининг энг асосий омиллардан бири наслдор буқалар уруғидан кенг фойдаланиш ва сунъий уруғлантиришни кенг жорий этишдир. Подаларни генетик такомиллаштиришдаги энг самарали ва иқтисодий фойдали усулидир. Машҳур бўлган наслдор буқалардан кўп сонли маҳсулдор авлодлар олиш билан подалар такомиллашади ва селекция самарадорлиги жадал кўтарилиб боради [4; 5].

Материаллар ва методлар. Импорт қилинган қора-ола голштин зотли буқаларнинг келиб чиқиши ҳар бир буқанинг наслдорлик хужжатлари бўйича индивидуал аниқланди. Буқаларнинг оталари генотиби наслдорлик хужжатларида келтирилган кўрсаткичлар – зоти, зотдорлиги, қайси тизимга хослиги, авлодларини сут маҳсулдорлиги, жумладан, сут соғими, ёғ ва оксил миқдорлари, сут ёғи ва сут оксили кўрсаткичлари бўйича қизларини тенгдошларига нисбатан бошқа буқалар қизларидан устиворлик кўрсаткичлари, маҳсулдорлик, наслдорлик, урчиш ва хўжаликда фойдаланиш хусусиятлари уларнинг индекслари бўйича ўрганилди [6; 7; 8].

Натижалар ва уларнинг таҳлили. Ўзнасччилик давлат корхонасидаги қора-ола голштин зотли наслдор буқа индивидуал ва зот гуруҳи бўйича ўрганилиб баҳоланди. Ушбу зотга хос буқалар қора-ола зотли сигирларни сунъий уруғлантириш усулида урчитишдаги наслдорлик сифатлари баҳоланиб танлаб олинди. Шу боис улар бир-бири билан аввало генотиби бўйича баҳоланди, яхшиловчи ва яхшиловчи лидер буқалар гуруҳлари шакллантирилиб ўзаро таққосланди [9; 10; 11].

Буқаларнинг оталари генотиби бўйича шакллантирилган, яхшиловчи лидер буқалар оталари қизларининг сут соғими устиворлиги яхшиловчилариникига нисбатан 288 килограммга, сут ёғи 30,6 кг ва сут оксили 24,5 килограммга юқори. Лекин икки гуруҳдаги барча буқалар яхшиловчи сифатларга эга. Уларнинг ота қизлари сут маҳсулдорлигининг миқдори (сут соғими, ёғ ва оксил миқдорлари) бўйича ўз тенгдошлари бошқа буқалар қизлари кўрсаткичларидан юқори бўлган.

Ҳар бир наслдор буқани индивидуал баҳолаш ва уларни бир-бири билан ўзаро таққослаганимизда Урна ва Урсел ҳамда Урса ва Уриел лақабли буқа оталари “Дижон” ва “Боард” буқалар энг юқори кўрсаткичларга эга. Биринчиларида қизларининг сут соғими бўйича устиворлиги 1261 кг, сут ёғи бўйича – 56 кг ва сут оксили – 54 килограммга тенг бўлса, иккиси ота буқаларида тегишлича 1404, 52 ва 53 килограммни ташкил этган. Худди шундай кўрсаткичлар Урсинус ва Уралу лақабли буқалар оталари қизларида кузатилади [12; 13; 14].

Яхшиловчи буқалар гуруҳларидаги Урсин, Урсола ва Урим лақабли буқалар оталарининг қизлари сут соғими бўйича 1038-1497 килограммга устиворлик қилган бўлсада, сутнинг таркибидаги ёғ ва оксил миқдорининг пастлигида сут ёғи 17-49 кг ва сут оксили 28-50 килограммга тўғри келган. Айрим буқа оталари қизларининг сут маҳсулдорлигини барча кўрсаткичлари (сут соғими, ёғ ва оксил миқдори) тенгдошлариникига нисбатан устиворлик қилган. Жумладан, Дижон, Супермал буқаларининг қизларида, уларда тегишлича сут соғими устиворлиги 1261 ва 1391 килограммни, ёғ миқдори 0,06 ва 0,05%, 0,08 ва 0,05 фоизга тенг. Сигир сутининг серёғлиги сут ёғ чикимини оширади. Оксил миқдори ҳам шундай характерга эга. Яхшиловчи лидер буқаларнинг сут ёғи яхшиловчи буқалариникига нисбатан 2,25 бараварга ва сут ёғи 1,94 бараварга юқорилиги сигирларнинг ирсиятлигига боғлиқ [15].

Яхшиловчи буқалар гуруҳида энг паст кўрсаткич Унит лақабли буқа отасининг қизларида кузатилди. Улар сут соғими бўйича ўз тенгдошларидан 40 килограммга, сут ёғи бўйича 10 килограммга устиворлик қилган бўлса, сут оксили бўйича (-8 кг) орқада қолган. Бундай буқаларни нейтрал буқалар қаторига ўтказиш мумкин [16; 17].

Айрим буқалар генотибидаги оталари қизларида сут ёғига нисбатан сут оксили устиворлик кўрсаткичларида. Жумладан, яхшиловчи буқалар гуруҳида Урсин лақабли

буқа отасининг қизлари ўз тенгдошларини сут ёғи бўйича 24 килограммга орқада қолдирган бўлса, сут оқсили бўйича эса 50 килограммга, 2,08 бараварга кўп. Шундай фарқланишликлар бир неча (Урики, Урим, Урмас, Урало) буқалар оталари қизларида кузатилади. Сут ёғи ва сут оқсилени юқорилиги мумкин қадар ёғ ва пишлоқ маҳсулотлар чиқимини оширади.

Биз буқа ота аждодлари генотипида қизлари маҳсулдорлиги бўйича баҳолаш билан бир қаторда уларни оталарининг маҳсулдорлик, наслдорлик, тана тузилишлик, сутни сақлаш, сифат кўрсаткичи, соматик хужайралар ҳамда урчиш ва сақланиш индекслари бўйича ҳам индивидуал ва гуруҳли баҳоладик.

Маълумки, селекция индекслари бўйича буқаларни баҳолаш замонавий селекция ишларида муҳим аҳамиятга эга, зотлар ва подаларни такомиллаштиришда тезкор натижаларни беради [18; 19; 20].

Импорт қилинган қора-ола голштин зотли буқалар селекция индекслари бўйича баҳоланган аждодлардан олинган бўлиб, юқори селекцион кўрсаткичлари билан яхшиловчи буқалар тоифасига хосдир. Аждодларнинг юқори маҳсулдорли ва наслдорлик потенциал кўрсаткичлари уларнинг ирсиятлигига ўтади ва ишончли натижалардаги кўрсаткичлар намоён бўлади.

Хулоса. Яхшиловчи зотли қора-ола голштин зотли буқаларни импорт қилиш учун уларнинг наслчилик карточкаларидаги аждодларининг наслчилик ва маҳсулдорлик сифатлари аниқланиб, улар ичидан энг мақбул бўлганларини танлаш белгиланди ва улар ривожланиши бўйича қўшимча баҳоланиб импорт қилинди.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4254-сонли Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича “Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Қарори. Тошкент. 2017.
3. Басанов О.А.и др. Сравнительная характеристика живой массы и экстерьерных особенностей коров различной линейной принадлежности в племзаводе “Пушкинское”. //Зоотехния. №7. 2010. С. 14.
4. Воробьева Н.В. и др. Взаимосвязь живой массы и молочности коров в условиях племзавода “Пушкинское”. // Зоотехния. №7. 2010. С. 9.
5. Досмухамедова М., Носиров У. Сигирларнинг сути тилида. Зооветеринария, №3, 2008, Б. 30-31.
6. Досмухамедова М. Турли голштин генотипли қора-ола зотли сигирларда иссиққа чидамлилики ва сут маҳсулдорлигини ўзаро боғлиқлиги. Зооветеринария, №9, 2008, Б. 30-31.
7. Досмухамедова М. Создание групп продуктивного скота, совершенствование стада и ресурсосберегающей технологии в дехканских и фермерских хозяйствах. Автореферат дисс...докт.с.-х.наук.-Ташкент, 2016, -62 с.
8. Дунин М.Н., Амерханов Х.А. Селекционно-технологические аспекты развития молочного скотоводства в России. // Зоотехния. 2017. №6. С. 2-8.

9. Ескин Г., Совачева В., и др. Оценка быков-производителей по племенной ценности сыновей как метод выбора продолжителя линии и быка лидера. // Молочное и мясное скотоводство. 2012, №6, С. 6-8.
10. Зеленков П.И. Новые методы оценка воспроизводительных качеств быков молочных и мясных пород. Ветеринария потология. 2014. №3-4. С. 15-19.
11. Зерон Й. Израильская программа разведения животных. Сб. Молочная промышленность в Израиле. Асс.жив. Израиля. Совет молочного хозяйства Израиля. 2004. С.38-49.
12. Иванов Ю.А. Оценка племенных качеств быков-производителей методом BLUP // Молочное и мясное скотоводство. – Москва, 2005. - №6. -С.9-10.
13. Изра И., Веллер Ж.Л. Показатели Израильской селекции. Сб.: «Молочная промышленность в Израиле». Ассоциация животноводов Израиля. Совет молочного хозяйства Израиля. 2004. -С.37.
14. Носиров У.Н., ва бошқ. Ўзбекистонда қорамолчиликни ривожлантириш омиллари. SML-ASIA. 2011. 195 б.
15. Сакса Е.И. Реализация генетического потенциала голштинского скота при создании высококачественного стада ЗАО «ПЗ Рабителицы». // Молочное и мясное скотоводства. №3. 2019. С. 21-24
16. Dosmukhamedova M.KH., and others. Selection of imported black-motley bulls - improvers of holstein breed and their efficient usage in improvement of black-motley strain herds / EPRA International Journal of Research Development (IJRD) Monthly Peer Reviewed & Indexed International Online Journal. Volume: 4, Issue:5, May 2019. P.97-99.
17. Mamatkulov O.E., and others. Selection of imported bulls of red-motley holstein and angler breeds, and also red strain of dairy direction herds' improvement in the artificial insemination system / International journal for innovative research in multidisciplinary field. Volume-5, Issue-5, May-2019. P.205-207.
18. Mamatkulov O.E., Dosmukhamedova M.Kh. Selection of red motley holstein bulls by genotype and their extensive use in breeding / EPRAInternational Journal of Published By :EPRA Publishing CC License Multidisciplinary Research SJIF Impact Factor :7.032 ISI I.F. Value : 1.188 DOI : 10.36713/epra2013 Indexed By: ISSN (Online) : 2455 – 3662 Monthly Peer Reviewed & Indexed International Online Journal Volume: 6 Issue: 5 May 2020
19. Bhakt M., Mohonty T.K. Raina V.S., Gurta A.K., Kharn H.M., Mahapetra R.K. Effect of and season on semen quality parameters in sahiwal bullis. // Trop Anim. Hedthprod. 2011. Vol 43. P. 1161-1168.
20. Nasirov T. Usmanov O. RSA Genetic in Uzbekistan. Die genetische Effizienz von RSA – Vchwarbunton Kiihcn in Uzbekistan. RSA Magazin Rindersucht Verbond sacheenanhart OG. Sammer, 2008, p. 34-35.